

КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА БИОСТУМЛИЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Яхёқулова Матлуба Азизалиевна

Мирзақулова Гавхарой Мшидиновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7303661>

Аннотация. Асосий экин сифатида экилган кунгабоқарниң “F-1 дурагайи” ни ўтлоқи ботқоқ тупроқ шароитида етиширилганда Экогум био, Экосил, Экогум комплекс, Экогум АФ ҳамда Полибор препаратлари биргаликда қўллаш самарадорлиги ўрганилди.

Калим сўзлар: биопрепаратлар; кунгабоқар; Экогум био; Экосил; Экогум комплекс; экогум АФ; Полибор; вариант; қайтарик; қўллаш меъёри; хосилдорлик.

INFLUENCE OF BIOSTIMULATORS ON THE GROWTH AND DEVELOPMENT OF SUNFLOWER PLANTS

Annotation. The effectiveness of the joint use of preparations Eco gum bio, Ecosil, Eco gum complex, Eco gum AF and Polibor in the cultivation of the sunflower hybrid "F-1", planted as the main crop, in the conditions of a meadow-wetland was studied. soil.

Key words: biological products; sunflower; Eco gum bio; Ecosil; Eco gum complex; Eco gum AF; Polybor; option; come back; application standard; fertility.

КИРИШ

Кунгабоқар мойи фақат ёғларни ўз ичига олган маҳсулотdir, унинг таркибида оқсили ва углеводлар мавжуд эмас. Ушбу мойнинг таркибини асосан олеин ва линолен ёғ кислоталари ташкил этади. Линолен кислотаси инсон организми учун жуда муҳим элемент ҳисобланади, унинг улуши кунгабоқар мойида 46 фоиздан 62 фоизгача этади. [3,5]

Е витамини табиий кунгабоқар мойида мавжуд бўлган ягона моддадир. Бу гемоглобинни фаоллаштиради, хужайраларни эрта қаришдан ҳимоя қиласи, капиллярларнинг бардошлилик даражасини оширади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кунгабоқар пистасини халқимиз азалдан хуш кўради. Шунинг учун у авваллари ҳар қадамда сотилиб ўтириларди. Эндиликда уни замонавий магазинлардан ҳам сотиб олиш мумкин. Қадоқланган писталар пайдо бўлди. Чунки у инсон организми учун жуда фойдали. Пистани табиат томонидан ўзига хос равишда яратилган .Унинг таркибидаги муҳим бўлган озиқ моддалар инсон организмидаги узоқ вақт давомида сақланиши хусусиятига эгадир.

Бу маҳсулот ярим тўйинган ёғ кислоталари, ёғ ва холестерин алмашинувини нормаллаштириш хусусиятига эга.

50-60 гр. писта 20-30 гр. кунгабоқар ёғи билан тенг бўлиб инсон организмини муҳим бўлган ярим тўйинган кислоталар ва Е витамини билан таъминлайди. [4,5]

Бу витаминлар эса бизнинг ҳаёт фаолиятимиз учун жуда муҳим саналади. Айниқса, писта таркибидаги Е витамини эркак ва аёлларнинг репродуктив аъзоларига ижобий таъсир этади. Болаларнинг бўйдор бўлишига таъсир қиласи. Организмнинг заифлашиб қолишининг олдини олади. Жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланувчи инсонлар

учун жуда фойдали. Шундай экан унга фақатгина зерикиш туфайли чақиладиган овунчоқ сифатида қараманг. [3,4]

НАТИЖА ВА МУХОКАМА

Кузатишларимиз натижалари шуни кўрсатди, кунгабоқар 26-280 ҳаво ҳароратида яхши ўсади. Ҳарорат 32-340 дан юқори бўлганида, бу ўсимликка бироз салбий таъсир кўрсатди.

Кунгабоқар пўстлоғи чорва моллари учун қўшимча озуқа бўлиб, оила пўстлоғи гексоза ва пентоза олиш учун асосий қимматли хом ашё ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтини қошидаги “Ахборот маслаҳат маркази ДУК нинг суғориладиган ўтлоқ ботқоқ тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экиладиган кунгабоқарнинг ўсиши ҳамда ривожланишига таъсирини ўргандик.

1-жадвал

ТАЖРИБА СХЕМАСИ.

Вариант лар	Герби-цид тури	Герби-цид меъёри	Тупроққа микробиоло-гик прпарат-ларни қўллаш		4-5 баргида ўсимликларга 1- ишлов бериш		7-8 баргида ўсимликларга 2- ишлов бериш	
			номи	меъёри	номи	меъёри	номи	Меъёри
1	Зеллек	1 л/га	Экогум био	3 л/га	Ишлов берил- маган назорат		Ишлов берил- маган назорат	
II					Экосил	50 мг/га	Экосил	100 мг/га
					Экогум АФ	1,0 л/га	Экогум комп-лекс	2,0 л/га
					Поли- бор	0,5 л/га	Экогум ФК	1,0 л/га
							Полибор	1,0 л/га

Тажриба натижаларига кўра биргаликда ишлатилган (2-жадвал). биологик препаратлардан фойдаланиш асосий поянинг ўсишига, яъни асосий кунгабоқар поясининг баландлигига ижобий таъсир кўрсатган, яъний назорат вариантга нисбатан 32,1 см юқори бўлган. Саватчаларнинг диаметри ҳам шунга монанд назорат вариантига нисбатан 6,4 см.га юқори бўлганлигини кшрсатди.

2-жадвал

Қўлланилган биостимуляторларнинг кунгабоқар ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва хосил элементларининг шакилланишига таъсири

Вариантлар	06.07.2022 йил		06.08.2022 йил		06.09.2022 йил	
	Ўсимлик- нинг бўйи	Барг сони	Ўсимлик- нинг бўйи	Барг сони	Ўсимлик- нинг бўйи	Саватча- нинг диаметри

I	16,6	6,4	58,8	16,3	120,5	20,9
IV	20,5	8,2	78,3	18,2	152,6	27,3

ХУЛОСА

Кунгабоқар билан дала тажрибалари асосида қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқариш мүмкін:

—Беларус Республикасидеги “Белуниверсал Продуст” корхонасида ишлаб чиқарылаётган биологик маҳсулотлардан минерал ўғитлар билан биргаликда фойдаланиш тупроқдаги озуқавий моддалар миқдорига ижобий таъсир күрсатмоқда. Тупроқдаги ҳаракатчан озик моддаларнинг кўпайиши кунгабоқарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилини олиш учун имконият яратади.

—Дастлабки натижаларга асосланиб, кунгабоқар етиштиришда Экосил, Экогум АФ, Экогум комплекс ва Полибор препаратларини биргаликда қўллаш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

- 1.П.П.Вавилов ва бошқалар.О‘симлиқчилик М.Колос 1986. 547 б.
- 2.О.Узоқов, Г.Курбонов Уруғчилик ва уруғчилик фанлари Т. Мехнат 2000 Пп - 310 .
- 3.Б.С.Мусаев “Агрокимё” Тошкент.“Шарқ” нашриёти 2001. Б. – 217-284.
- 4.Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Ўсимлиқчилик” Тошкент 2007, 360-368-бетлар.
- 5.М.А.Яхёқулова, К.Т.Жураева «Влияние биостимуляторов на рост развитие и урожайность подсолнечника» Вестник Хорезмской Академии Маънуна ноябрь 2220 г. 277-279 ст.
- 6.М.Яхёқулова, К.Жураева «Изучение влияния химических препаратов на сорняки хлопчатника» АЭТЕРНА 32-36 ст.